ЭНГ ҚАДИМГИ ХАТ намунаси — Присс папирусидир. Тахминан 6 минг йил бурун ёзилган бу битик бизгача етиб келган. У куйидаги эътиборга молик жумлар билан бошланган: "Бахтга қарши, замон ўзгариб кетди. Ҳар ким китоб ёзаман дейди, фарзандлар эса ота-оналар гапига кирмай қўйди".



ЧИНГИЗХОН Шимолий Хитойга биринчи босқинчилик юришидан сўнг улардан кўп нарсаларни ўзлаштириб олганди. Булар орасида ёмлар — яхши боқилган отлар билан бирга темирхона ва тураржойи бўлган почта станциялари ҳам бор эди. Почта хизматчилари ва ёмчилар Мўғулистонда дахлсиз шахслар деб эълон қилинган. Чопарлар империянинг бир чеккасида иккинчи чеккасига икки кеча-кундузда етиб оларди. Империя ерлари Хитойдан Адриатика денгизи қирғоқларигача чўзилганди.



БИРИНЧИ ПОЧТА КЎТИСИ Африканинг жанубий қирғоғи — Яши Умид бурнида жойлашганди. Кемалар бу ерга фақат ичимлик суви олиш учун лангар ташлашмаган. Белгиланган маълум тош остига денгизчилар мактублар қолдиришган, тескари йўналишда кетаётган кема аъзолари эса уларни ўзлари билан олиб кетишган. Бу алоқа воситаси асрлар давомида амалда бўлди. Маъмур тош ҳозир Кейптаун музейида сақланаяпти.



УЙЛАРГА РАҚАМ ҚЎЙИШ дастлаб XVIII асрда Лондонда хатларни манзилга етказишни осонлаштириш мақсадида бошланган. Бунгача уйларга рақам қўйилмасди.



ЭНГ КИСҚА ЁЗИШМА 1862 йили француз адиби Виктор Гюго ва ноширлар — Харст ва Блакеттлар орасида амалга ошган. Муаллиф дам олишга жўнаб кетгани, у янги романи қандай сотилаётганини билмоқ истаганида "?" кўринишида хат йўллайди. Ноширнинг жавоби ҳам шунга ярашди бўлди: "!"

ЭНГ УЗУН ХАТ муаллифи — англиялик Элан Формандир. Унинг 1982 йил 3 январидан 1984 йилнинг 25 январига қадар рафиқаси Жанетта атаб ёзган мактуби 1402344 сўздан иборат эди.

1972 ЙИЛнинг 11 март куни Испаниянинг Палма-де-Майорка шаҳрида 22 ёшли почтачи Габриэл Марч Грандос устидан ўтказилаётган суд жараёнида қораловчи томон уни 384912 йилга озодликдан маҳрум этиш талаби билан чиқди. Яъни, қораловчининг фикрича, Габриэл ўз айти билан етказилмаган 42768 донна хатнинг ҳар бири учун 9 йилдан турмада ўтириши даркор эди.

ОЙНАХАТЛАР немис миллилатига мансуб Хайнрих Стефан тавсиси билан 1865 йилнинг 30 ноябрида жўнатма сифатида жорий этилган. Австрия почта идораси ойнахатларда бандерол тарифини оммалаштириб, унинг ҳажмини чекланмаган миқдорда белгилади. Бундай ойнахатлар барча мамлакатларда кенг оммалашиб кетди. 1870-1871 йилларда, яъни Франция-Пруссия уруши чоғида ватанига хат йўллаётган аскарлар орасида ойнахатларга ҳар хил кулгили суратлар чизиш расм бўлди. Бу ойнахатлар замирида ҳозирги кўринишдаги суратли ойнахатлар пайдо бўлди.

Бугунги кунда почта ойнахатларини тўплаш оммавийлиги бўйича маркалар ва тангалар йиғишдан сўнг учинчи ўринда туради. Муча Уэверли туркумига мансуб "Сайкл" нусхаси энг қиммат сотилган ойнахат ҳисобланади. У Иллинойс штатида яшовчи Сюзан Браун Николсон томонидан 1984 йили 4400 долларга сотилган.

● **ALOQA OLAMIDA**

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ПУЛ ЎТКАЗИШ

Хорижда ишлаётган миллионлаб инсонларнинг уйларига пул жўнатишларини осонлаштириш ва арзонлаштириш мақсадида мобил алоқа операторлари банклар билан кучларни бирлаштиришга киришди. Энди пулни мобил телефон орқали жўнатиш мумкин.

Бу хизмат турининг моҳияти жуда оддий: мижоз ўз қўл телефонига пуллари "юклайди" ва бошқа мамлакатдаги мижознинг мобил телефони рақамига жўнатади (худди SMS каби). Нариги мижоз эса, ўз рақамига пуллар келганлиги тўғрисидаги хабарни олади.

"Сайёрамизда яшовчи 6,5 миллиард аҳолининг фақат 1 миллиардга яқини банкларда ўз ҳисоб-рақамларига эга, — дейди GSM ассоциациясининг ривожланаётган бозорлар учун лойиҳалар менежери Бен Сопит. — Қолганлар учун имтиёзли ягона йўл — мобил алоқадан фойдаланишдир".

Маъмур ассоциация маълумотларига кўра, айни пайтда жаҳонда 3 миллиардга яқин одам уяли телефондан фойдаланади. Тармоқлари 100га яқин мамлакатни ва 600 миллион мижозни қамраб олган 19та мобил алоқа оператори бир гуруҳга биришиб, пул ўтказмалари олувчилар сонини икки баравар, пул ҳажмини тўрт баравар ошириши кўзда тутилган бутунжаҳон тизимини яратишни режалаштирмоқда. 2012 йилга бориб, мобил трансфер хизматлари орқали пул ўтказмалари бозори ҳажми 1 триллион долларгача етиши кутиляпти.

МАЪЛУМОТ ТАРҚАТГАНЛАР ЖАЗОЛАНАДИ

Буюк Британия адлия вазирлиги шахсий маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш ҳамда уларни тарқатиш бўйича жазо чораларини кучайтириш таклифи билан чиқди. Энди бировнинг мобил телефони рақами, манзили сингари шахсий характердаги маълумотларни ошқор қилганлар олти ойдан икки йилгача озодликдан маҳрум бўлиши мумкин. Илгари бу тахлитдаги қилмишлар учун жарима (5000 фунт стерлинг ва ундан юқори) қўлланиларди.

СУПЕР SIM-КАРТА

Orange компанияси томонидан 128 Мбайтгача маълумотларни сизгидира олувчи супер SIM-карта ишлаб чиқарилди.

Карта телефонга ўрнатилгач, автоматик равишда уяли алоқа журилмаси хотирасида компания дастурлари тўплами, жумладан, ҳимоя воситаси ва медиаплеер ишга тушади.

ЗАМОНАВИЙ ҚАЛПОҚ

Спорт буомлари ишлаб чиқарувчи машҳур Nike компаниясида тайёрланган ўзига хос бош кийими мусиқа шайдоларини бефарқ қолдирмас керак.

Унинг ички қисмига стереофоник "наушник"лар ўрнатилган бўлиб, Apple iPod Nano плеерини жойлаштириш учун махсус "чўнтакчаси" ҳам бор.

Махсус туйнукча орқали плеерни бошқариш мумкин. Natphones бош кийими тўрт — қора, оқ, пушти, мовий рангларда чиқарилмоқда. Унинг баҳоси — 60 доллар.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ ТЕЛЕФОНЛАР!

Барселонада ўтаётган 3GSM конгрессида бир қатор уяли телефон аппаратлари ишлаб чиқарувчи жаҳоннинг илгор компаниялари ўз янги маҳсулотларини намойиш этди.



Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади

Бир вақтлар «Куш уса қаноти, одам юрса оёғи қуяди», деб таърифланган Қизилқум кенгликлари кўйида бугун ҳаёт қайнайди.

Мамлакатимиз иқтисодий ва маданий мустақамлашга муносиб ҳисса қўшаётган заҳматқорлар, олтинтопарлар, кончилар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, ўнлаб орденли фидоийлар борлиги кенгликлар саодати чинакам меҳнат кишиларига, уларнинг қўлдан келтирилган, ҳалол меҳнатларига яраша бахт ва шараф келтириётганлигидан далолат бериб турибди.

Янги аср Қизилқум кенгликларида ҳам янги тўлқинлар, янги садолар олиб кирди. Бир пайтлар Томдиннинг Утемурот, Пирша, Тошқудуқ каби олис манзилларда жойлашган қишлоқлари, Учқудуқнинг Қозоғистон Республикаси билан чегарадош, вилоят марказидан 600 километр узоқликдаги Узунқудуқ, Қўқаяз, Баранбай, Балтай ҳамда Қўрқудуқ овуллари аҳолиси янги аср янгиликларидан хабардор бўлиш, Ўзбекистон телевидение-

си кўрсатувларини кўриш имкониятидан маҳрум эди.

Шу боисдан ҳам Томди туманидан чиққан биринчи Ўзбекистон Қаҳрамони, фидоий чўпон Серикбай Сағатовнинг бундан икки-уч йил аввал шахсан Юрт-

тил 19 июлдаги «Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентли-

амалга оширишда ишлаб чиқариш лабораторияси раҳбари Парда Яркулов, муҳандислар — Ўқтам Ҳайитов, Файрат Намозов, электромонтёрлар — Рустам Жўраев, Бахтиёр Жалилов, Рустам Холиқов, электромеха-

ник Тоҳир Муҳиддинов, антенна мутахассиси — Асад Турсуновларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Амалга оширилган ишлар натижасида вилоятнинг йирик шаҳарлари — Зарафшон ва Учқудуқ аҳолиси Ўзбекистон телевидениесининг «Спорт» телеканални сифатли кўриш ҳамда Зарафшон шаҳри аҳолиси FM тўлқинларида иккита радиодастурни эшитиш имконига эга бўлиши.

Олис-олис Қизилқум кенгликларида, Навоий вилоятининг узоқ-узоқ тоғли қишлоқларида истиқлол садолари ҳамisha жангиланган турсин.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг Навоий вилоятидаги муҳбири

Қизилқум кенгликларида — истиқлол тўлқинлари

бошимиз қўлларидан Ватанимизнинг юксак мукофоти олиганлигини телевидение орқали кўролмаганликларини томдилар хануз афсус билан эслаб юришади.

— Узоқ қишлоқ ва овулларда кам қувватли узатгичларга эҳтиёж катталиги ҳукуматимиз назаридан четда қолмади, — дейди Навоий вилояти радиотелевизион узатиш маркази бошлиғи Бахтиёр Ниёзов. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004

йилининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят Давлат алоқа инспекцияси ва вилоят радиотелевизион узатиш маркази, жойлардаги ҳўжалик раҳбарлари ҳамда алоқа қорхоналари ёрдамлари туфайли 2006 йилнинг ноябр ойида бошланган ишларни қисқа муддатда ҳамда сифатли бажаришга эришдик. Ҳозиргача Ўзбекистон телеканалининг биринчи дастурини умуман кўриш имкони бўлмаган юзлаб хонадонларда янги йилнинг ҳар

бир тонгини «Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатувлари билан қаршилаш бахти насиб этганидан мамнунмиз.

Режа бўйича узатгичларни ўрнатиш ишларини тез ва соз бажаришга бош муҳандис Шўҳрат Ҳайитов бош-қош бўлди. Шўнингдек, монтаж ишларини

Муаллиф ҳақида



Маруса ҲОСИЛОВА — 2007 йилдан «Хабар» газетасининг Навоий вилоятидаги муҳбири сифатида фаолият кўрсата бошлади.
У билан 8-436-225-91-10 рақамли телефон орқали боғланишингиз мумкин.

1957 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистонда биринчи телемарказ — Тошкент телемаркази ишга туширилган эди. Аммо, кейинчалик Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти аҳолисига телекўрсатувларни аниқ ва равшан ҳолда етказиш учун 180 метр баландликдаги телеминара ва кам қувватли телеузатгичлар кифоя қилмай қолди. 1971 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги тасаруфидан «Тошкент радиотелевизион узатиш маркази қурилиши дирекцияси» ташкил этилди ва унга муҳандис Ҳикмат Ғуломов бошлиқ этиб тайинланди. 1974 йилдан дирекциянинг вазифалари кенгайиб, «Республика радиотелевизион объектлар қурилиши дирекциясига» айлантирилди.



Умида ҚОДИРОВА,
меҳнат фахрийси

Янги телеминара лойиҳасини тайёрлашга бир неча йил кетди. Лойиҳа ўта синчковлик билан синовлардан ўтказилди. Телеминара қурилиши учун Бўзсув каналининг ўнг қирғоғидан 6 гектар ер ажратилди. Ниҳоят, 1978 йилнинг апрел ойидан телеминара қурилиши бошланди.

Эсимда, 1980 йилнинг 1 сентябр куни мени қурилиш бошлиғининг темир қурилмалар, қурилиш материаллари ва технологик ускуналари билан таъминлаш бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Ўша куни миноранинг марказ таянчи 90 метрга етказилган бўлиб, Бўзсув ёқасидаги бир таянчи (оёғи) кўтарилаётган экан. Бир томондан, бундай ишни эплай оламанми-йўқми, деган ҳаяжон, иккинчи томондан, ўта қизиқиб мени қўлга олганди. Тезда ишга шўнғиб кетдим. Аввало, пўлат хусусиятлари ва турларини чуқур ўрганиб чиқишга тўғри келди. Чунки бошлиқлар қурилмаларнинг бирон жойида нуқсон бўлмаслигини, технологик талабларга ва стандартларга тўлиқ жавоб бериши кераклигини ўқитиришганди. Дирекция эса ана шундай қурилмалар билан таъминлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиши зарур эди.

Телеминоранинг тўрт таянчи —

Тошкент телеминораси

марказий ва унга туташган учта оёқлари 11 метрлик чуқурликдан кўтарилиб чиқилган, бир-бири билан боғланмаган темир-бетон асосларига таянган бўлиб, мувозанатли ўта юқори даражада ушлаб туришга қодир классик тизим эди. Германиядан буюртма қилинган пўлат қурилмаларни Челябинск темир қурилмалар ва «Главташкентстрой»нинг ОПСК заводлари қайта ишлаб, етказиб берди.

Тошкент «Высотстрой-11» трести қурувчилари учун телеминара қурилиши энг баланд қурилиш бўлиб, шу пайтгача учрамаган муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди: баландлик ва мунтазам эсиб турган шамол шароитида монтаж ишларини олиб бориш, 1984-1985 йиллардаги қаҳратон қиш шароити, монтаж ишлари сифатига бўлган юқори талаблар, шундай баландликда нишаб ўлчоли лазер асбобларини қўллашни тақозо этарди. Шўнга қарамасдан, қурилиш майдонида руҳий кўтаринкилик ҳукм

сурар эди. Айтиш мумкинки, катта қурилмаларни монтаж қилишнинг янги услубларидан олтиниси ихтиро, деб қайд этилди. Шўлардан бири «ўзи юрар кран» (кўтарилувчан) ПК-25 крани эди.

Телеминорада яна бир янгилик — ҳали мамлакатимизда учрамаган, 220 метр баландликка кўтариладиган Швейцариянинг учта тезорар «Shindler» лифти ҳам ишга туширилди.

1984 йилнинг январидан телеминорадан фойдаланадиган ташкилот —

радиотелевизион узатгичлар монтаж ва созланиши тугалланиб, эски телемарказдаги узатгичлар билан бир пайтда синов ишлари бошлаб буюрилди. Йил охирида, яъни 25 декабрда Давлат қабул комиссияси телеминара қурилиши тамом қилинганлиги ҳақидаги далолатномага имзо чекди. Эски телемарказ тугатилиб, янги телемарказ мунтазам ишлаб бошлади.

1985 йилнинг 15 январидан телеминара расмий равишда ишга туширилди. Бу кун республикамиз ҳаётида энг қувончли кунлардан бири бўлиб, кенг қўлама нишонланди. Телеминара ишга тушгандан кейин 2000 йиллик тарихга эга бўлган пойтахтимиз илтимойий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди — Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисига 5та телекўрсатув ва 4та радиозастириш дастурлари юқори сифатда узатила бошланди.

Тошкентликлар ва меҳмонлар шаҳарни қуш парвози баландлигидан томоша қилиб, унинг тўрт тарағидаги иншоотларни ва гўзал манзараларни кузатишлари, архитектор ва қурувчилар эса шаҳарга назар ташлаб, қурилишларга баҳо беришлари мумкин бўлди. Баландликда жойлашган Тошкент обсерваторияси лабораторияси халқ ҳўжалигига иқлимимиз тўғрисида аниқ кўрсаткичларни мунтазам бериб борадиган бўлди. 100 метр баландликдаги «Койнот» ресторани заллари шаҳарликлар ва меҳмонлар учун яна бир ҳордиқ чиқарадиган муҳташам масканга айланди.

Кўп ўтмай Тошкент телеминораси Останкино ва Эйфел миноралари раҳбарлари тавсияси билан Бутунжапон буюк миноралари жамиятида ўз ўрнини эгаллади. Телеминоранинг мазкур халқаро жамиятга қўшилгани катта маънавий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, бизга дунё миқёсида қурилган ва қурилаётган улкан миноралар, уларнинг фаолияти ҳақида бевоқиф бохабар бўлиш ҳамда уларга ўзимизни танитиш имконини берди.



●HIKOYA

Ёзувчи Роберт Урвик ҳали шуҳрат чўққисига чиқмаган бир қаламқаш эди, салгина мақтов сўз эшитса эриб кетарди, шунинг учун ҳам у куйидаги хатни оғзининг таноби қочиб ўқиди:

“Мистер Роберт Урвик, муҳтарам сэр, мен сизнинг ҳикоянгизни “Шанба оқшоми” газетасида ўқиб чиқдим, аммо бу — қимматбаҳо нашрларни ўқишга менинг чўнтагим дош беради, дегани эмас. Гап шундаки, жаноби Урвик, мен хиббонда унутиб қолдирилган газеталарни тўплаб юраман. Ўзим камбағал одам бўлсам ҳам, санъатга ҳурмат муҳитида тарбияланганман. Мен Сизга айтсам, “Темир мушт” деган ажойиб ҳикоянгизни ўқиб, Сизни табриклагим келди. Мистер Урвик, бу менинг эсимга бошқа бир воқеани солиб юборди. Бу ҳақда анчадан бери ёзмоқчи эдим-у, аммо Сизни безовта қилиб қўяманми, деган андишада юргандим. Бир пайтлар менинг ўзим ҳам қалам тебратардим, яъни Сиз мени қашшоқлик балосига дуч келиб қолган бир ёзувчи қаламқаш сифатида тушунасиз деб, умид қиламан. Мен ўз ихтиёрим ила қашшоқ бўлиб, ишсиз қолганим йўқ, бунинг сабаблари бор, албатта. Гап шундаки, хотиним оғир касалланиб қолгач, мен унинг ёнидан жилмай ўтиришим керак эди. Шунинг учун ҳам мен кундузлари ақлий фаолият талаб этиладиган ҳар қандай ишдан четда туришга мажбур бўлдим.

Мистер Урвик, хотиним касал эканини ёздим. Энди эса болаларим етти нафар эканлигини ёзишим керак, уларни боқиб, ювиб-тараш ҳам ўз йўлига-ю, аммо уйимизнинг хўжайини ижара ҳақини сўрайвериб-сўрайвериб, кўчага ҳайдаб соламан, деб кўрқитавериб-кўрқитавериб, худаям жонга тегиб кетди. Ўзи шу кунларда саккизинчи фарзандимиз дунёга келиш арафасида бўлса-ю, хўжайиннинг уйдан чиқ, деб туриши инсофданми? Лекин шунга қарамай бизлар зўр умид-орзулар кўчогиди ящайамиз. Сўз санъатига бўлган чексиз ҳурматим юзасидан мен ҳамма фарзандларимнинг исмларини улуғ адабиётимизда ўзингизга бетимсол ҳайкал қўйдимиз. Шунинг учун ҳам тугилажак фарзандимизни мен ўғил бўлса — Роберт деб, қиз туғилса — Роберта деб атамоқчиман. Урвик унинг иккинчи исми бўлади. Қарабсизки, Сиздай улуғ адиб менинг саккизинчи фарзандимга чўқинтирган ота бўлиб, янада улкан ҳурматларга беланасиз. Демак, ўзингиз чўқинтирган бу болакайга исмингиз ҳам, насл-насабингиз ҳам ярашиб, у Сизни уялтирмасдан инсон бўлиб униб-ўсади. Бунинг учун эса Сиз мистер Урвик, янги меҳмонга кичкинагина совғача тўхфа этишингиз, айтилик, Сизнинг исми шарифингизни ардоқлаб юрган фарзандимга 20 доллар пул юборсангиз — бунинг Сизга ҳечам оғирлик

жойи бўлмаса керак, деб ўйлайман. Оиламдаги вақтинчалик қийинчилик бизлар учун ноқулайликлар тугдирмаслиги учун 20 доллар пулни куйидаги манзилга юборишнинг иложини топсангиз, Сиздан барчаниз, айниқса, кичкинтой Роберт (ёки Роберта) Урвик жуда хурсанд бўлишимиз турган гап. Мен Сиздан келган пулга адашингиз учун зарур бўлган кийим ва озиқ-овқат

ёзилган ойнахат етиб келди: “Муҳтарам танти дўст, фарзандим соғ-саломат тугилди, у ўғил бола экан, шунинг учун ҳам унинг номини Роберт Урвик Филипс деб атаб рўйхатдан ўтказдик, аммо докторлар гўдакнинг келажак ҳаёти учун қайгуришни ҳозирдан бошлаш кераклигини уқтирмоқдалар. Уларнинг айтишича, чақалоқ тўйиб овқатланиши, айниқса, порт-

кўнлига тугди. Уй шиша корхоналари билан ўралган ажабтовур кўчалар орасида экан! Тўқилай-тўқилай деб турган эски кулба олдида ўйнаб юрган қизалоқ (“Бу ўша машҳур Элла Уиллер номи билан аталган қиз эмасмикин?” деб ўйлади мистер Урвик) жаноб Филипснинг номини эшитиши биланок, бир эшикни икки-уч марта қоқди. Ҳеч ким жавоб беравермагач, эшикни очиб, ичкарига қадам босди. Бечора Филипснинг хонадонда битта қароват, керосин ёқиладиган ўчоқ, қоғозлар ва почта маркалари-ю, хатжилдлар уюлиб ётган усталдан бошқа ҳеч вақо ҳам йўқ эди. Хонада одам асари йўқ, на Филипснинг ўзи, на хотини, на етти нафар боланинг бирортаси кўринади.

Урвик усталга яқинлашди. Афтидан Филипснинг адабий маҳорати жуда чекланган, хат ёзишдан бошқа бирон-бир жанрга қўл урмаганлиги шундоқина кўриниб турарди — устал устида бошланган-у ташланган, қайноқ илҳом париси чала-ярим қилиб учиб кетган пайтда давоми битилмасдан қолган мактублар тўзғиб ётарди. Айтгандай, бу мактубларнинг мазмунини ҳам Урвика келган ҳув биринчи хатнинг мазмунига жуда ўхшаш эди! Мана бу хат Бут Таркинсонга ёзила бошлабди. Буниси — Дон Маркизга, буниси — Эллен Глазгога, Эдна Фербер, Агнес Реплиер, Халуфти Холл, Фэнни Херст... Ҳар битта хатда етти нафар бола туғилгани-ю, саккизинчиси шу кунларда туғилиши тилга олинган, “Саккизинчи фарзандни Сизнинг номингиз ила аташга рухсат берсангиз...” деб илтимос қилинган эди. Усталнинг бир четиди эски газета ва журналларнинг қийқимлари қалашиб ётар, мистер Филипс қурмағур мана шу манбалардан олаётгани равшан эди. Урвик қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Оббо, муғомбир Филипс-ей, ҳали шунақа денг... Хона эшигини секин ёпиб кўчага қикәтиб, у зинапоя ёнида латта ҳўллаётган бақалоқ фаррошга дуч келди. Филипснинг хотини, бола-чақалари ҳақида суриштирди. — Ана унинг бола-чақаси! — бир чеккада уюлиб ётган шишаларга ишора қилди фаррош.

Қрадан бир-ой ўтиб-ўтмай, адиб Роберт Урвик навбатдаги ажойиб ҳикоясини “Шанба оқшоми” газетасига пуллағач, 500 долларни чўнтагига жойлади-да, ҳикояси чоп этилган газетани қўлтиклаганича отахон Филипснинг уйига борди. Жаноб Филипс аллақадарга гум бўлиб кетган экан. Урвик унга атаб битта газета ва куйидаги мазмунда мактуб қолдирди: “Муҳтарам Генри амаки! Мен сизга 490 доллар қарздорман. Газетадаги ҳикоямни ўқиб олсангиз, ҳаммасини тушунасиз. Вақтингиз бўлганида уйимга келинг, ўзим сизни бир меҳмон қилай!..”

Музаффар АХМАД таржимаси

Кристофер Морли
ҒАРОЙИБ

МАКТУБ



гамлаб қўяман.

Мен аввал ҳам бир неча марта Сизга хат ёзишни бошлаб қўйиб, сўнг йиртиб ташлаган эдим. Сабаби Сиздай истеъдодли адибни безовта қилишни сира-сира жоиз қўрмаган эдим, аммо бу гал мен ҳамма гални очкўйдим. Бунга мени йўқчилик мажбур қилди. Сиз бундан буён ҳам адабиётимизни “Темир мушт”га ўхшаган беқиёс асарлар ила бойитаверасиз, деган умид ила, Сизга сардоқат изҳор қилиб қолувчи жаноб Генри ФИЛИПС 34-Шарқий кўча, 454”.

Истеъдодини юксакларга кўтариб ёзилган бундай ажойиб хушхабарни кетма-кет икки марта ўқиб, боши кўкка етган Роберт Урвик ўша заҳоти ҳамёнини титқилаб кўрди. 10 долларлик қоғоз пулни олиб, хатжилдга жойлади-да, ёнига ўзининг адашини кўтлаб-ардоқловчи тилаклар битилган хат қўшиб, жўнатиб юборди. Ахир, севинмай бўладими, ҳикоясини ўқибди, истеъдодини пайқабди, улуғ адиблар қаторида тилга олибди, энг муҳими, тугилажак дилбандига унинг номини раво кўрапти экан, айтинг, яна нима керак?!..

Орадан икки ҳафта ўтиб, Роберт Урвикнинг уйига куйидаги мазмунда хабар

вейн шаробини ичиб улғайиши керак эмиш, акс ҳолда гўдак тез касалга чалинувчан бўлиб ўсар экан. Биз хотиним билан Сиздан совға олган кунимиз ўзимизни бениҳоя бахтли ҳис қилганимизни, албатта, айтиб ўтишим керак. Фарзандимиз камолга етганда унга Сиздай олижаноб инсон ва буюқ адиб ҳомийлик қилганини айтиб суянтиришдан умидворимиз. Мистер Киплинг ўзининг адашига бор-йўғи 5 долларгирасиз, деган умид ила, Сизга сардоқат изҳор қилиб қолувчи жаноб Генри ФИЛИПС 34-Шарқий кўча, 454”.

Миннатдорлик ила Сизга хат йўлловчи **Генри ФИЛИПС.**

Мистер Урвик хатни ўқиб, бу гал ажабланиб қолди — чақалоққа шароб ичиришлари кераклиги, докторлар шунини буюришгани қизиқ! Энди тугилган гўдакка-я? Йўқ! Бу ерда бир сир бор шекилли... Ўзи бориб, бунинг тағига етмаса бўлмас!

Эртаси кун марказ томон йўли тушган адиб мистер Филипс кулбасига ҳам бош сўқиб ўтмоқчи, чақалоқнинг аҳолини билмоқчи бўлди. Агар докторлар болага ростдан ҳам шароб ичиришни тавсия қилаётган бўлсалар (ажабо! ажабо!), унда бу оила учун озми-кўпми маблағ ажратишни

Атоқли адиб ва драматург Кристофер Морли (1890-1957 йиллар) XX аср Америка адабиётини, театр тарихида ёрқин из қолдирган истеъдодлардан ҳисобланади. Адибнинг адабий мероси орасидан танлаб таржима қилинган ушбу кичик ҳикоя — инсоннинг мураккаб тақдирини ҳажвий буюклар ила кулги аралаш тасвирловчи реалистик бир асардир.

ХОРИЖ ХАНДАЛАРИ



— Айтингчи, бу ерда чўмилса бўладими?
— Йўқ, маслаҳат бермайман. Бу ерда тимсоҳ кўп.
— Улар қаерда йўқ?
— Икки чақиримча қуйида, дарё денгизга қўшилидиган жойда йўқ.
— Аниқ йўқми?
— Ҳа, албатта!
Тимсоҳлар ақуладан жуда кўрқарди.

Эр бор овози билан бақирди:
— Ким сенга бу гулларни столнинг устига қуй деди.
Хизматкор:
— Хотинингиз, сэр.
Эр:
— Бу гулларнинг ажойиблигини қара-я.

— Айтингчи, — жабрдийда аёлга мурожаат қилди судья, — судланувчи сизни қоронгу хиббон бўйлаб сайр қилишга таклиф қилганида, кўнглингизда ҳеч қанақа шубҳа тугилмадими?



— Нега туғилмас экан? Албатта туғилди. Лекин у сумкамни юлиб олиб, қочиб кетди, деган фикр сира ҳам калламга келгани йўқ.

Эрталаб ресторанга бир одам ҳовлиқиб кириб келди.
— Кеча кечкурун мен шу ерда бўлганмидим?
— Ҳа, бўлган эдингиз.
— Ўтириб, 2000 сўмлик ичдимми?
— Ҳа.
— Худого шукр-эй! Мен пулимни йўқотиб қўйдимми, деб кўрқувдим.



● TURMUSH CHORRAHALARIDA

— Айтиб кўяй, «Мерседес» олиб келмасангиз тўппа-тўғри ойимникка кетаман, — Маликанинг тўрттинчи қаватдан йиғлаб айтган гапларини Қобилжон тишини тишига кўйиб эшитдида, икки кўлини озгига карнай қилганча бақирди:

— Ҳей, Малика, гапимга қулоқ сол, ҳей!..

Малика деразани тарсиллатиб ёнганича ғойиб бўлди. Гапи озгида қолган Қобилжон кетишини ҳам, кетмаслигини ҳам билмай турган эди хотини яна дераза олдига келиб эрига дейдесини бошлади:

— Дилбар дугонаним учта оқ «Мерседес»да олиб кетишган. Унақа зикра бўлмайдиган одам деган...

Хотинининг гапи Қобилжоннинг қулоғига кирмас, эшитганлар нима деб ўйлайди, деган ҳаёлда атрофга разм соларди. Бунақа гап-сўзлар туғруқхонада янгилик эмас, ҳар ким ўз юмуши билан банд.

Қобилжон минг ҳаёл билан оқшом пайти уйга кириб келди. Дадаси молларга хашак бераётган эди. Қобилжон гапни нимадан бошласам экан дея остонада ҳардамҳаёл бўлганча туриб

қолди.

— Дадаси, ҳайронман, — дерди Шарофат хола ўчоққа ўтин қалар экан, — совуқ тушди, дегунча газ ўлгур пасаяди. Чақалоқ келса, уйни қандай иситамиз.

— Ҳа, — деди Қосим ота. — Киш гамини ёзда ейиш керак эди.

— Дўхтирлар яхши, соғлом дейишяпти, — деди Қобилжон ўзида йўқ хурсанд бўлиб. Аммо хотинининг айтганларини ота-онасига қандай тушунтиришни билмай ҳамон боши қотарди.

— Лекин келинингиз туғруқхонадан чиқмайман, деяпти.

— Бу нимаси, — деди Қосим

Шу тобда эшик томондан таниш овози эшитилди:

— Ҳой, Қобилжон, Қобилжон.

Тутаётган ҳўл ўтиннинг аччиғидан ўқчиётган Шарофат хола эшик томон одимлади.

— Келаверинг, эшик очик. Бу қудаси Ойпопук эди. Қудалар бир-бирлари

Қудачилик минг йиллик, дейдилар. Илож қанча, келининг айтгани бўлди, кўнгли ўқсимасин, дейишди. Маликахоҳон иккита «Мерседес», яна қўшалок сураттаги туширувчи ва дугоналари қузатувида уйга кириб келди. Бу ёқда ногора базм.

Шу кўни Қосим отадан бошқа ҳамма шод эди. Фақат унинг ичига чироқ ёқса ёришмасди. Йўқ, у бадавлат оиладан келин туширганга ҳам, пешона тери билан толган пулларига ҳам ачинмасди. Хаёлига бир ўй тинчлик бермасди: қариб қолдимми ёки замонадан орқада қолдимми?

Шу пайт қудаси Ойпопук янги меҳмон — оппоқ йўрғакдаги набирасини олиб келиб, кўлига тутқазди ва тилларини чўчүк қилиб деди: «Ассалому алайкум бобожон, мен келдим». Буни қарангли, Қосим ота набирасини кўлига олганида қувончдан беихтиёр-чехраси ёришиб, чарчоқлари унутилди. Беихтиёр «Аллақатлари, менга ўхшайди-я», деб юборди. Ўригидан данаги ширин, деб шунга айтсалар керак-да.

Умидбек БОТИРОВ

Ўригидан данаги ширин

Бу газга ишониб бўлармиди. Газчиларга ҳам ҳайронсан, биттаси келди ҳолингни сўрамайди. Кўн исииши билан ёнмаган газни пулини ундиришга тушиб қолишарди.

— Энди бекорга пул берадиган аҳмоқ йўқ, — деди кампир кўзларини артар экан. — Ҳисоблагич ўрнатганимиз бўлсин.

Чол-кампирнинг сўзлари Қобилжонга наъша қилдими, ўзини тўхтама олмай хоҳолаб кулиб юборди.

— Ҳа, ўғлим, чақалоқ яхшими? — унга пeshовз қилди Шарофат хола.

ота. — Нега чиқмас экан. Бирор қор-қол юз бердимми?!

— Йўқ, дада. Шу десангиз «Мерседес» олиб бормасак уйга келмасмиш. Ҳозир шу мода эмаш.

— Ахир, туғруқхона икки қадам бўлса, «Мерседес» бўлмаса «Нексия» бўлар. Мана, тоғангни машинаси яп-янги. Набираларини «Москвич»да олиб келганман.

— У замон ўтиб кетди, дада, — деди Қобилжон илтижоли кўзларини тикиб. — Яна видеоси керак. Карнай-сурнай ҳам деди шекилли.

билан кадр-донлардек кучоқ очиб кўришишди. Янги меҳмон билан бир-бирларини қутлашди.

— Қоқиндик, эрта-индин келинингиз Маликахоҳга жавоб беришар экан. Шунга бирров хабар олгани келгандим. Шу денг, орзули дунё экан. Қизимнинг дугоналари «Мерседес» бўлса яхши бўларди, дейишибди. Қудажон, ахир расм-русумимиз шунақа бўлиб қолди.

Ойпопук гапини тутатмай Қосим ота шашт билан ичкари хонага кириб кетди.

● TANLOV

“Хабар”нинг энг зукко мухлиси

ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИ

(5-босқич)

1. Тошкент шаҳрида телефон алоқаси хизмати йўлга қўйилганининг 90 йиллигига бағишланган мақолалар газетамизнинг нечанчи йилги сонларида берилган?

- а) 1994 йил;
- в) 1996 йил;
- с) 1998 йил.

2. «Хабар»нинг 1996-1999 йилларда чиққан иловалари номи?

- а) «Алоқачи ҳамроҳи» ва «Спутник связиста»;
- в) «Алоқа оламида» ва «Новости в сфере ИКТ»;
- с) «Алоқа корхоналарида».

3. 1994 йил 2 июл санасининг «Хабар» учун аҳамиятли хижати?

- а) газетанинг 100 сони нашрдан чиққан;
- в) газета 24 саҳифада чоп этила бошлаган;
- с) рангли чоп этилган.


КУРАШ ҚИЗГИН ТУС ОЛДИ

| Исми-шарифи, яшаш жойи | Шартлари | Танлов босқичлари бўйича тўпаланган баллар | | | | | | | жами |
|---------------------------------------|-----------|--------------------------------------------|----|----|----|---|---|---|------|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | |
| Жамшид Исмолов, | Викторина | 6 | 3 | 3 | 6 | | | | 18 |
| Тошкент шаҳри | Кроссворд | 70 | 32 | 76 | 32 | | | | 210 |
| Музаффар Абдуллаев, | Викторина | 6 | 3 | 6 | 3 | | | | 18 |
| Наманган шаҳри | Кроссворд | 58 | 33 | 78 | 32 | | | | 201 |
| Дилором Гаптарова ва Зилола Ҳасанова, | Викторина | 6 | 6 | 3 | | | | | 15 |
| Нарпай тумани | Кроссворд | 76 | 43 | 84 | | | | | 203 |
| Дониёр Худойбердиев, | Викторина | 3 | 6 | 3 | 3 | | | | 15 |
| Тошкент шаҳри | Кроссворд | 65 | 32 | 75 | 25 | | | | 197 |
| Нодира Пўлатова, | Викторина | 6 | 3 | 3 | | | | | 12 |
| Қарши шаҳри | Кроссворд | 67 | 36 | 72 | | | | | 175 |
| Қидирбой Кребаев, | Викторина | 0 | 3 | 3 | | | | | 6 |
| Элликқалъа тумани | Кроссворд | 64 | 34 | 79 | | | | | 177 |
| Раҳимжон Болтабоев, | Викторина | 6 | 6 | 3 | | | | | 15 |
| Хужайли тумани | Кроссворд | 56 | 38 | 66 | | | | | 160 |
| Давлатбой Болтабоев, | Викторина | 3 | 6 | 3 | | | | | 12 |
| Хужайли шаҳри | Кроссворд | 62 | 31 | 68 | | | | | 161 |
| Икром Холмуровов, | Викторина | 6 | 3 | 6 | 3 | | | | 18 |
| Нукус шаҳри | Кроссворд | | | | | | | | |

Интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлган муштарийларимиз учун e-mail: criff@infonet.uz ҳамда xabar@uzrak.uz Факс: 136-36-42.

Мақтубларингизни 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй — «Хабар» газетаси таҳририятига жўнатинг.

“Орхидей” кроссворди



ЭНИГА:

1. Кўз шифокори. 5. Сайёрамизнинг қуёш нури тик тушувчи қисми. 12. Аргентина футбол терма жамоаси ярим ҳимоячиси. 13. Санъат тури. 14. "... қўли — гул". 15. Уни ишлаб чиқариш қадимги Мисрда милоддан аввалги 4000 йилларда бошланган. 16. Мусиқа асарини турли чолғу асбобларида биргаликда ижро этувчи созандашлар жамоаси. 17. Бир пайтлар Хиндистон ва Покистонда амалда бўлган 1/16 рупияга тенг чака пул. 20. Ўзбек қаҳрамонлик-романтик достонлари туркуми. 22. Электр ўтказувчанлиги юқори рангли металл. 23. Катикдан ажралиб чиқадиган сарғиш суяклик. 27. Санъат тури. 28. Мир Савид Баҳром макбараси ҳамда Қосим Шайх хонақаси жойлашган шаҳар. 32. Милоддан аввалги V асрлардаги Аҳомонийлар давлати подшоҳи. 33. Малайя архипелагидаги орол. Унда Индонезия пойтахти Жакарта жойлашган. 34. Компютер учун бошқа компютерларга хизмат кўрсатиш имконини берадиган апаратли ва дастурий таъминот мажмуи. 37. Жамиятнинг муҳим бўғини. 39. Олд Осиё ва Шимолий Африкада яшовчи кўчманчи эллат номи. 40. Ҳам қуш, ҳам мева номи. 44. Электр токи кучининг бирлиги. 45. Япониялик режиссёр — ... Кurosawa. 46. Паранжи. 47. Гул тури. 48. Қадимги Сиам давлатининг ҳозирги номи.

БЎЙИГА:

2. Камёб оқ рангли металл. 3. Туркия миллий валютаси. 4. Танқидий руҳдаги комедия жанри. 6. Тўрт гилдиракли ёнгил сонбон арава. 7. Баландлиги 400-500 метрдан 1000-1500 метргача бўлган тоғ-қир. 8. Хотинларнинг "божаси". 9. Анхел, Ниагара, Викториа, Сатерленд — ... 10. Евросиё, Африка, Австралия, Антарктида — ... 11. Ягона бадий жамоа сифатида уюшган ижроичилар гуруҳи. 18. Машиналар тизимини қўллашга асосланган sanoat корхонаси. 19. Иссиқ шамол. 21. Франциялик футболчи. 24. Сурхондарё вилоятидаги туман. 25. Тамом, ниҳон, охир. 26. Профессонал мусиқа санъати тури. 29. Цирк устаси. 30. Ер атрофидаги ҳаво фазосида ҳаводан оғир аппаратларда парвоз қилиш назарисини ва амалиётини. 31. Санкт-Петербургдаги жаҳоннинг энг йирик музейларидан бири. 35. Эстрада кафе ёки кичик ресторани. 36. Баланд иншоот. 38. Халқ озгаки ижодиёти жанри. 41. "Норасмий" ҳафта кўни. 42. "Катта", "бошчи" маъноларини, бирор нарсанинг юқори, ибтидо даражасини англатувчи сўзлар бўлаги. 43. "... дастурхон" — телекўрсатув.

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Пекин-2008 саралаш ўйинлари доирасида Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида майдон эгаларига қарши жавоб учрашувида тўп сурди.

Вадим Абрамов шогирдлари иккинчи учрашувда ҳам галабага эришди.

Тожикистон – Ўзбекистон – 0:2
Голлар: Анзур Исмоилов, 27; Марат Бикмаев, 90.

Учрашув илк дақиқалари тожикистонликларнинг ҳужуми остида ўтган бўлса-да, ҳисоб вакилларимиз томонидан очилди. Ўйиннинг 27-дақиқасида Анзур Исмоилов рақиб дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлди.

Иккинчи бўлимда майдон эгалари яна ҳужумга отландилар, лекин омад яна ўзбекистонлик футболчиларга кулиб боқди. Марат Бикмаев учрашувнинг 90-дақиқасида тўп киритиб, учрашувга нукта қўйди.

Шундай қилиб, Пекин Олимпиадасида иштирок этишни режалашти-

раётган терма жамоамиз кейинги босқичга йўл олди.

Саралаш мусобақасининг иккинчи босқичида 24 жамоа 6 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб боради. Ўйинлар 2007 йил 28 февралдан 6 июнгача ўтказилади.

Иккинчи босқич куръа натижалари:

“А” ГУРУҲИ – Баҳрайн, Қувайт, Катар, Покистон;

“В” ГУРУҲИ – Япония, Малайзия, Сурия, Гонконг;

“С” ГУРУҲИ – Уммон, Ливан, Ветнам, Малдив ороллари;

“Д” ГУРУҲИ – Эрон, Саудия Арабистони, Иордания, Австралия;

“Е” ГУРУҲИ – Ирок, Шимолий Корея, Таиланд, Ҳиндистон;

“Ғ” ГУРУҲИ – Жанубий Корея, БАА, Ўзбекистон, Яман.



Учинчи босқичга ҳар бир гуруҳдан иккита жамоа йўлланмани қўлга киритади. Сўнг, 12та жамоа 3 гуруҳга бўлинган ҳолда якуний босқичга киришди ва гуруҳ ғолиблари Олимпиада йўлланмасини қўлга киритади. Учинчи босқич 2007 йилнинг 22 августидан 21 ноябригача “уй-сафар” тизимида ўтказилади. Хитой олимпия терма жамоаси мезбон давлат сифатида тўғридан-тўғри Олимпиаданинг финал қисмида иштирок этади.

ҚИШКИ ЙИГИНЛАР

Мамлакатимиз олий лигаси вакиллари қишки йигин-машғулотларини ўтказишмоқда.

Туркияда машғулот олиб бораётган Муборакнинг “Машъал” клуби Украинанинг “Металлург” жамоасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган. Қаршининг “Насарф” жамоаси эса Бирлашган Араб Амирликларида Белорусиянинг “Гомел” жамоаси устидан 3:2 ҳисобида галаба қозонди. Фарғонанинг “Нефтчи” жамоаси ҳам Россиянинг “Урал” жамоасидан 1:0 ҳисобида устун келди.



ТЕННИСЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

“Дэвис кубоги-2007” мусобақаларининг биринчи босқичида ўзбекистонлик теннисчилар муваффақиятли қатнашишди.

Намангандаги “Паҳлавон” спорт мажмуаси кортларида юртдошларимиз ҳиндистонлик теннисчиларга қарши баҳс олиб боришди.

Турнирнинг биринчи кунини Денис Истомин ва Вивек Шокинлар қорғачиқчишди. Унда вакилимиз 6:1, 6:3, 6:3 ҳисобида устун келди. Иккинчи учрашувда Фарруҳ Дўстов Каран Растогини 6:3, 6:3, 6:4 ҳисоби билан мағлубиятга учратди. Жуфтлик баҳсларида омад ҳиндистонликларга кулиб боқди.

Мусобақанинг сўнги кунини Денис Истомин Каран Растогини, Мурод Иноятов эса Вивек Шокинни мағлубиятга учратиб, якуний ҳисобнинг 4:1 бўлишини таъминлашди.

Навбатдаги босқичда теннисчиларимизнинг рақиб Жанубий Корея терма жамоаси бўлади.



ХАЛҚАРО ТУРНИР

Бугун ўзбекистонлик ҳаваскор боксчилар Болгарияда ташкил этилган халқаро турнирдаги илк жангларини ўтказишади.

Жамоа таркибидан Рафиқ Султонов (48 кг), Орзубек Шоимов (54 кг), Бехзод Хидиров (57), Абдуғаффор Умаров (60 кг), Зокир Ортиқов (64 кг) ва Рустам Саидов (т-91)лар ўрин олишган.

Шароф Худойбердиев шогирдлари учун ушбу халқаро турнир Москвада ўтайдиган Жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтайди.



Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши Жиззах вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси **Нина Ивановна МАМАДАЛИЕВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

“Ўзи-Жиззах” филиали ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Жиззах филиали жамоалари вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси **Нина Ивановна МАМАДАЛИЕВА**нинг бевақт вафот этганиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — Реклама матнларининг тўғриликта тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир. Газетани тайёрлашда Интернет материаллардан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри. “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

150-Г сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алали: 11790 нусха.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Аслиддин БҮРИЕВ. Матн терувчи: Дилфуза МАТҚҮРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

| | | | | | | | | | | | | | |
|-------------------------|---------------------|--------------------|---------------------|--------------------|--------------------|----------------------|-------------------|-----------------------|--------------------|---------------------|--------------------|---------------------|-------------------|
| Жамоатчи муҳбирларимиз: | Андижонда 226-47-80 | Бухорода 226-22-14 | Гулистонда 40-12-19 | Жиззахда 226-60-92 | Навоийда 225-91-10 | Наманганда 226-61-85 | Нукусда 222-14-63 | Самарқандда 234-06-71 | Термизда 224-06-12 | Тошкентда 133-36-48 | Урганчда 226-43-13 | Фарғонада 226-87-71 | Қаршида 224-08-99 |
|-------------------------|---------------------|--------------------|---------------------|--------------------|--------------------|----------------------|-------------------|-----------------------|--------------------|---------------------|--------------------|---------------------|-------------------|

SIZ KUTGAN UCHRASHUV

Бугунги саҳифамиз меҳмони — кино мухлисларига ўзининг «Сарвиноз», «Бахт учун миллион», «Фотима ва Зуҳра», «Ромео ва Жулетта ёхуд лаънатланган муҳаббат» ва «Сўғдиёна» филмлари орқали яхши таниш бўлган истеъдодли режиссёр Баҳром ЁҚУБОВ.



— Аксарият ҳолларда инсоннинг санъатга бўлган иштиёқи қон орқали ўтади дейишди?..

— Оиламида ҳеч ким мендан аввал санъат йўлини танламаган. Отам Қорабек Ёқубов ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Ойим Равшаной опа фарзандлар тарбияси билан шуғулланган. Нима учундир билмадим, ёшлигимдан кино санъатига бўлакча меҳр қўйиб улғайдим. Уша пайтда телевизор орқали бирор филм намойиш қилинса, унинг қаршисидан ҳеч қаерга жилмасдим. Ушбу қизиқиш мени 1978 йили Театр ва рассомчилик институтига етақлади. Уша йили режиссёрлик факултети бўлмаганлиги боис, мен кино ва драма актёрлиги йўналиши бўйича имтиҳон топшириб, ўқишга кирдим. Институтни тугатган, режиссёр ёрданчиси бўлиб «Ўзбекфилм»га ишга кирдим. Бу ердаги фаолиятим режиссёр сифатида шаклланишимда ўзига хос пойдевор бўлди...

— Мустақил ижодий ишга қачон қўл ургансиз?

— Адашмасам, 1988 йили «Ўзбекфилм» ҳузурда 5-ёшлар ижодий уюшмаси ташкил этилиб, бу ерга истеъдодли ёшларни жалб қилиш мақсадида танлов эълон қилинди. Мазкур танловда мен ҳам ўзимнинг «Ёш ёзувчининг кундаликлари», деб номланган сценарийим билан иштирок этдим ва голиб бўлдим. Шундан сўнг ушбу асарим асосида қисқа метражли филмни суратга олиш учун давлат томонидан маблағ ажратилди. Қўйинчилик билан илк ижодимни қисқа фурсатда суратга олиб, бадий кенгашга тақдим қилдим. Хайъат аъзоларига картина маъқул келди ва менга режиссёрлик тоифасини тақдим қилишди. Кейинчалик мен Ўзбекистон телевидениесига ишга ўтдим.

— Бу ерда «Ракурс» кўрсатуви ташкил қилиш баробарида, «Ўзбектелефилм» студиясида иккита тўлиқ метражли ҳужжатли филм яратдик. Булар юртимизда ёвуз няяти кимсалар томонидан амалга оширилган кўпурчилик ҳаракатлари ҳақидаги «Феврал воқеалари» ҳамда «Таховуз» филмлари эди. Мазкур филмлар Россия телеканаллари орқали ҳам намойиш қилинган.

— Сиз биринчилардан бўлиб хусусий студияда филм суратга олган режиссёрлардан ҳисобланасиз. Бу йўналишда ижод қилиш қийинчилик туғдирмагани?

— Тўғриси айтишим керак, хусусий студияда филм суратга олиш ниҳоятда оғир. Боз устига барча сарф-харажатларни ҳам ўзинг ҳал қилишинг керак.

қурдик. Воқеалар ўзгарганда ўз-ўзидан бош қаҳрамон характери ҳам тубдан ўзгарди. Хушчақчақ, самимий, шаддод қиз образи Шаҳзодага тўғри келмасди. Шу боис биз бу образга Севинч Мўминовани тақлиф қилдик.

— Сўнги картинангизни нега «Сўғдиёна» деб номлагиниз.

МИЛЛИЙ ФИЛМЛАР — МИЛЛАТИМИЗ КЎЗГУСИ



Ижодимдаги биринчи муваққил ишим — «Сарвиноз» филминини суратга олишда анча қийналдим. Бироқ филмимиз киномухлисларга манзур бўлди. Шунда меҳнатим зое кетмаганидан хурсанд бўлиб, яна ижод қилишга киришдим.

— Суратга олган асарларингизни кузатсак, барчасида асосий ролларни кўпчиликка таниш бўлган хонандалар ижро эттишган. Улардан филмнинг обрўсини янада ошириш учун фойдаланган бўлсангиз керак?

— Фикрингизга қўшилиман. «Сарвиноз» филмида бош ролга Шаҳзода ни тақлиф қилган бўлсак, «Бахт учун миллион» филмида эса Севинч Мўминовани мурожаат қилдик. Улар қўйилган вазифани удалашди. Мен шу нарсага амин бўлдимки, танлаган актёрингизда актёрлик дилгўми бўлиши мўҳим эмас экан. Воқеани теран англаган ҳар қандай инсонда қандайдир маҳорат услуби бўлади. Режиссёр эса уни маълум меъёрга солиши лозим.

— «Бахт учун миллион» филми «Сарвиноз» картинасининг мантқий давомидир. Нега иккинчи филмда Шаҳзоданинг ўрнига Севинч Мўминовани тақлиф қилгансиз?

— «Сарвиноз» филми муваффақиятли чиққач, мен шу филмнинг мантқий давоми сифатида «Сарвиноз-2»ни суратга олишни режалаштирдим. Лекин маблағ ажратган продюсерлар бошқа филм яратиш кераклигини таъкидлашди. Шунда биз бошқа сценарий ёзиб, асарни ўзгача бир воқеа асосига

қилади. Алам қиладигани шундаки, ушбу филмлар кимларнингдир меҳнати эвазига яратилгану, фойдасини бошқалар кўрапти.

— Миллий филмларимиз кўпайган сари улар ҳақида танқидий фикрлар ҳам кўп билдирилмоқда?

— Бу бор гап. Лекин яхши кинолар ҳам яратилапти. Киносансларда зал мухлислар билан гавжум бўлмоқда. Демак, картиналаримиз халқимиз қалбига етиб борапти. Баъзи режиссёрларимиз негадир «Мен яратган филмни томошабин илиқ қаршиламаган бўлса-да,

Ушбу филм хонанда Сўғдиёнанинг ҳаёти ҳақидами?

— «Ромео ва Жулетта ёхуд лаънатланган муҳаббат» филминини суратга олиб бўлганимиздан сўнг олдимга бир қиз келиб, «Сизнинг филмларингиз менга жуда ёқди, унда иштирок этсам, майлими?» дея илтимос қилди. У хонанда Сўғдиёна эди. Уни ҳар томонлама синаб кўриб, навбатдаги картина бош қаҳрамон образига лойиқ топдик. Бош қаҳрамон номидан келиб чиққан ҳолда филмни «Сўғдиёна» деб номлаганмиз.

— Филмларингизнинг хорижий экспортга ҳам эътибор қаратасизми?

— Жаҳон кино саноатини кузатадиган бўлсак, у ерда давлат ёки тижорат филмлари, деган тушунча йўқ. Миллий кино деган ягона тушунча бор, холос. Хорижий давлатларда филмлар экспорти миллий агентликлар томонидан амалга оширилади. Шу боис, хусусий студияларда суратга олинган филмларимиз «қора бозор» орқали хорижга чиқиб кетаяпти. Қозғистонда бўлганимизда бунга ўзим гувоҳ бўлдим. «Фотима ва Зуҳра», «Бахт учун миллион» филмларининг дисклари бозорларда сотилапти. Ачинарлиси, икки йил аввал Нью-Йорк шаҳрига борганимизда филмларим у ердаги рус бозорларида менга умуман нотаниш бўлган бир фирма савдо белгиси остида сотилаётганини кўрдим. Бундан ташқари, миллий филмларимиз Корея, Россия бозорларида ҳам харидоргир экан. Бу — албатта, бир тарафдан кишини хурсанд

кино фестивалда юқори баҳо-ландику, демак халқимиз асаримга тушунмаган», деган фикр билдиради. Буюк ёзувчи Лев Толстойнинг шундай фикрлари бор: «Хар бир бадий асар халқнинг қалбига етиб бориши керак. Асар инсон қалбига етиб бормаса, демак у бадий асар эмасдир». Кино ҳам худди шундай. Агар кино халққа манзур бўлмай, фестивалда совриндор бўлса, буни ютуқ, деб бўлмайди. Чунки кино халқ учун яратилади.

— Ҳозирда Фарб киносига компьютер графикадан кенг фойдаланилмоқда. Бизнинг филмларимизда эса замонавий технологиянинг ўрни камроқ?

— Ҳолливуд филмларида компьютер графикасининг ўрни ниҳоятда катта. Бу услуб кейинги пайтда Россия филмларида ҳам кузатиляпти-ю, лекин сунъийлик кўзга ташланиб қоляпти. Бу эса рус драматургияси бунга ҳали тайёр эмаслигини кўрсатади. Кейинги пайтларда бизнинг клипларимизда ҳам бу услуб кенг қўлланиляпти. Лекин ўз ўрнида ишлатилмаган графика томошабиннинг энасини қотиради, холос.

— Устозларингиз...

— Мен кино оламида «Севинчлар», «Нафосат» картиналари халқимизга танилган Элёр Эшмуҳаммедовни ўзимга устоз деб биламан. Чунки у киши яратган филмлардан кўп нарсани ўрганганман, таъсирланганман.

Комилжон ҲАСАНОВ
суҳбатлашди

FILATELISTLAR BURCHAGI

**2001 йилда
чиқарилган
почта маркаси**

299. «Герб» стандарт почта маркаси.
2001 йил 22 июн.
Рассом В.НИКИТИН.



Марка бир рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Марка ўлчами 18,5x26 мм. Перфорацияси тароқсимон. Ранги қизил. Варақдаги маркалар сони 100та. Адади 1 000,0 минг нусха.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Сурхондарё Телеком» филиали жамоаси филиал директори Рустам ТЎХТАМИШЕВни туғилган куни билан самимий муборакбод этади. Унга узок умр, мустаҳкам соғлиқ, ишларида улкан зафарлар тилаб қолади.

Фаргона вилояти «Матбуот тарқатувчи» ШК жамоаси корхона ходимлари Ахмарвет ИСАКОВА ҳамда Маърифатхон ҚОДИРОВАларни таваллуд айёмлари билан табриқлайди. Уларга бахт-саодат, сийхат-саломатлик, узок ва баракали умр тилайди.



**Келгуси
сонларда:**

**Кибержиноятчилик: таҳдид ва муаммолар.
Хакерлар компьютерларимизга кун давомида
2000 дан ортиқ ҳужумларни уюштирадилар...**